Методик қўлланма

Кредит-модуль тизими

бўйича хориж тажрибаси





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
“YETAKCHI NASHRIYOTI”
2024

УЎК: 378.09:336.7(072)(075)
КБК: 74.58я7+65.25
З – 39
Зарипов, Лочин
Кредит-модуль тизими бўйича хориж тажрибаси [Матн]: методик қўлланма – Л.Зарипов, Н.Хайитов, М.Тухтаева. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024 й. – 32 б.

ISBN 978-9910-9632-0-9

Ушбу методик қўлланмада хорижий давлатлардаги кредит-модуль тизимига турлича ёндашувлар, атамалар, кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари ёритилган. Шунингдек, кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти, ўқув юкламаси, кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти, таълим натижалари, кредитларни тақсимлаш усуллари, таълим компонентларида таълим натижалари, мобиллик ва кредитларни тан олиш ҳамда олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари баён этилган

Таҳрир ҳайъати:
Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.09:336.7(072)(075)
КБК: 74.58я7+65.25

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9910-9632-0-9

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

КИРИШ

Мамлакатимиз таълим тизимини халқаро таълим стандартлари билан уйғунлаштириб, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш, жаҳон амалиётига асосланган олий таълим тизимининг сифат даражасини ошириш, узлуксиз таълим тизимига педагогик лойиҳалаштириш жараёнини кенг татбиқ этиш орқали илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали методларини ишлаб чиқиш бугунги кун олий таълим тизимимизнинг устувор йўналишларидан эканлиги эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига, Болонья жараёни иштирокчи-мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олишга, ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999 йил 19 июндаги Болонья декларациясига қўшилиш масаласини кўриб чиқиш белгилаб қўйилган ҳамда бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси





Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, коррупцияга қарши курашиш, муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улушини ошириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Шунингдек, ушбу нормага кўра, мамлакатдаги олий таълим муассасаларининг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган эди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги деярли барча олий таълим муассасалари кредит-модуль тизимида фаолият юрита бошлади. Шу сабабдан ҳам кредит-модуль тизимининг асл моҳиятини тушунган ҳолда таълим жараёнини унга мослаштириш мақсадида хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш лозимлиги муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу методик қўлланмада хорижий давлатлардаги кредит-модуль тизимига турлича ёндашувлар, атамалар, кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари, кредит ва модуль тушунчаларининг моҳияти, кредит тизимлари, кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти баён этилган.

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИНГ МОҲИЯТИ

Кредит-модуль тизими — бу таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамланмаси ва кредит ўлчови асосида ўқитиш модели ҳисобланади. Шунингдек, бу мустақил таълим олишга қаратилган, индивидуаллик асосида билимни ижодий ўзлаштириш, ўқув жараёнини қатъий белгиланган ҳолда таълим йўлини танлаш ва кредит шаклида билим ҳажмини белгиловчи тизимдир. Бу тизим ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар таълим тизимида умумий йўлга қўйилган, вақт синовларида ўзини етарлича оқлаган, бир вақтнинг ўзида ўзаро фарқ қилувчи, ҳам ўзаро бир-бирини тўлдирувчи иккита — "модуль" ва "кредит" ўқитиш технологияларини бирлашишидан ҳосил бўлган.

1999 йил июнь ойида Италиянинг Болонья шаҳрида дунёнинг 29 та мамлакати ўртасида имзоланган Болонья декларациясига қўшилиш масаласига бугунги кунда юртимизда алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу жараённинг ҳуқуқий асоси қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси"да бу масала белгилаб ўтилган. Юртимиз олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимининг жорий этилиши бу борадаги ишларнинг бошлаб юборилганини эътироф этади.

Болонья жараёни — бу Европа мамлакатлари орасида олий таълимни уйғунлаштириш жараёни. У тушуниш осон бўлган ва ўхшаш олий таълим даражалар тизимини яратишни, таълимда кредит-модуль тизимига ўтишни, таълим сифатини таъминлашда эркин академик ҳаракатланишни ва Европадаги таълим ҳамкорлигини ўз ичига олади. Қисқа қилиб айтганда, бу Европа мамлакатларининг олий таълим тизимларини уйғунлаштириш, таълим олувчиларда интеллектуал, маданий, ижтимоий, илмий ҳамда технологик салоҳиятни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим сифатини такомиллаштиришга қаратилган жараёндир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонига кўра, 2017-2021 йилларда олий ва олий таълимдан кейинги таълим тизимида Ўзбекистоннинг Болонья жараёнига қўшилишига шарт-шароитлар яратилмоқда ва ўқув жараёнига анъанавий тизим ўрнига кредит-модуль тизими жорий этилган.

Кредит-модуль тизими илк бор XIX асрнинг иккинчи ярмида АҚШда жорий этилган. Ўша пайтда мамлакат олий таълим муассасалари қатъий белгилаб қўйилган ўқув дастурлари асосида фаолият юритган. Ўқув дастурлари, асосан, ўша давр диний фалсафаси билан боғлиқ фанлардан ташкил топган. Олий таълим ўқув дастурларида бу каби амалиётда аҳамиятини йўқотган фанлар кўлами анчани ташкил қилган. Натижада, олий таълим мутахассислар тайёрлайдиган даргоҳ эмас, балки ўша даврда аҳолининг ўзига тўқ қатлами шунчаки обрў ва тўкинлик белгиси сифатида таълим оладиган муассасага айланиб қолган. Бунинг оқибатида мамлакатнинг оддий фуқаролари орасида олий таълимга қизиқиш кескин камая бошлаган.

1869 йилга келиб Гарвард университетига ўша даврнинг энг илғор фикрловчиларидан бири бўлган Чарлес Эллиот президент этиб сайланади. Кўп ўтмай у университетдаги қатъий белгилаб қўйилган ўқув дастурларини бекор қилади. Эндиликда, Гарвард университетида талабалар ўқув дастурида таклиф қилинадиган фанлар орасидан ўзлари хоҳлаган, қизиққан фанларни танлаш имкониятига эга бўлган эди.

Ушбу ислоҳотлар мамлакат ёшлари орасида Гарвард университетига бўлган қизиқишни жонлантириб юборади. Талабалар ўзлари қизиққан фанларни танлаётганликлари учун университет ўқув дастурларидаги фанлар ҳам табиий равишда саралана бошлайди. Замон талабларига жавоб бермайдиган фанлар талабаларда қизиқиш бўлмаганлиги сабабли дастурни тарк этади ва университет фанлари рўйхатини бозор иқтисодиёти, меҳнат бозори ҳамда талабалар эҳтиёжларига мос фанлар эгаллай бошлайди. Профессор-ўқитувчилар ўз фанларига талабаларни жалб қилиш мақсадида дарсларни сифатини яхшилашга ҳаракат қила бошлайди. Акс ҳолда, улар ўқитаётган фан ўқув режадан чиқариб юборилиши мумкин эди. Дарсларда талабаларнинг фаоллиги ҳам анча ортади, чунки талабалар асосан ўзлари қизиққан ва танлаган фанларини ўрганадилар.

Гарвард Университети қатъий ўқув дастурлардан воз кечгандан сўнг, университет олдида бир қанча саволлар туғила бошлайди: хўш эндиликда университетда барча талабалар учун бир хил бўлган қатъий белгилаб қўйилган ўқув дастурлар йўқ. Бундай ҳолатда талабаларнинг курсдан курсга ўтиши ёки битириши қандай мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин? Яъни талабаларнинг ўқиш дастуридаги



ривожланишини нималар билан ўлчаш мумкин? Талабалар мутахассис сифатида шаклланиши учун қанақа билим эгаллаши керак?

Юқоридаги бу саволларнинг барчасига Гарвард Университети жамоаси креатив фикрлаб оптимал ечим топа олди. Талаба учун ҳар бир фанга ўқув юкламасидан келиб чиқиб рамзий ўлчов бирликлари, яъни кредитлар ҳажми шакллантирилади. Яъни ҳар бир фан бўйича муайян миқдордаги кредитларда акс этиб, ҳар бир талаба бир ўқув йили охиригача муайян миқдордаги кредитларни тўплаши кераклиги белгилаб қўйилади. Эндиликда, университет талабаларни ўқув дастурларидаги ривожланишни, муайян таълим даражасига муносиблигини у тўплаган кредитлар миқдорига қараб аниқлай бошлайди. Бу эса олий таълим муассасаси ва талабалар учун ҳам қулай, тушуниш осон бўлган тизим ҳисобланади. Аста-секинлик билан бошқа университетлар ҳам ушбу амалиётини ўзларида қўллай бошлайди.

Ҳозирги кунда Европа олий таълим муассасаларида кенг қўлланиб келинаётган ва Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий олий таълим муассасаларида жорий этилаётган ECTS кредит-модуль тизими асосида ҳам АҚШ академик кредит тизими тамойиллари ётади.

МОДУЛЬ ВА КРЕДИТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ

Модуль — бир нечта фан ҳамда курслар ўрганиладиган ўқув режасининг бир қисми. У талабаларда маълум бир билим ва кўникма ҳосил қилиш, таҳлилий-мантиқий мушоҳада юритишига хизмат қилади. У бир нечта фанлар (курслар) мажмуидир. Мазкур фанлар мазмунини ёки силлабус (ўқув дастур)ларни ишлаб чиқишда нафақат мавзулар мазмуни ва кетма-кетлиги, шунингдек фанларнинг узвийлиги, ўзаро боғлиқлиги ҳамда уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилади. Талаба бир модуль бирлигини ўзлаштириб, иккинчисига ўтганда унда малака талабларидаги компетенцияларнинг элементлари босқичма-босқич шаклланиб бориши назарда тутилади. Шунингдек, мазкур тизимнинг жорий этилиши бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари дастурларининг аниқ мақсадли ва мобиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Кредит-модулли тизим шароитида ҳар бир модуль ўқув дастурининг тугалланган сегментини акс эттириши керак, унинг ривожланиши натижасида талаба маълум компетенцияларга эга бўлади. Бу компетенциялар албатта текширилиши ва баҳоланиши керак. Компетенциялар етарлича узоқ вақт давомида (камида бир семестрда) шаклланиши аниқ. Семестр ичидаги нисбий тугалланган таълим сегментларини аниқлаш учун “бўлим”, “кичик бўлим”, “мавзу” тушунчалари кўпроқ мос келади, аммо модуль эмас. Модуль маъруза ва семинар машғулотларида ўзлаштирилган бир нечта ўқув мавзуларини бирлаштирган ўқув курсининг алоҳида қисми, тематик блок сифатида тушуниш мумкин.

Европа университетларида таълим дастури бошқача тузилишга эга: битта модуль доирасида умумий илмий мақомидан қатъий назар, тематик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган фанлар бирлаштирилади. Модулни қуришнинг асосий тамойили — оддийдан мураккабга, методологик фанлардан амалий фанларга ўтишдир.

Шунинг учун ҳам умумкасбий фанлар ҳам табиий фанлар ва бошқа фанлар модуль таркибига кириши мумкин. Ўқув модули доирасида фундаментал ҳамда амалий фанлар органик яхлитликда бирлаштирилади. Масалан, Германияда модуль таълим маконини ривожлантириш йўналишларидан бири, курс эмас, балки таълим дастурининг алоҳида қисми сифатида тушунилади. Модулли тизимнинг муҳим хусусияти унинг амалиётга, хусусан, тадқиқот амалиётига йўналтирил-

ганлигидир. Модуль ўқувчига концептуал билим ва амалий кўникмаларни бирлаштириб, бир йўналишдан иккинчисига тез ва самарали ўтиш имконини беради. Шунинг учун, магистратура босқичида ўқув жараёнини модулли ташкил этиш магистрантнинг индивидуал дастури (магистрлик диссертацияси мавзуси) билан боғлиқ бўлиши керак.

Европада модуль талаба томонидан таълим натижасига эришиш билан белгиланади. Семестрдаги модуллар сони талабанинг семестрда қандай натижаларга эришиши кераклигига қараб белгиланади.

Кредит (credit) — талабанинг алоҳида таълим йўналиши ёки дастури (курс) бўйича фанларни ўқиб ўрганиши ва ўзлаштириши учун сарфланган ўқув юкламаси (вақт)нинг ўлчов бирлиги ҳисобланади. Кредит — талабанинг меъёрий ҳужжат билан белгиланган, одатда бир ҳафта давомида аудиторияда ва мустақил равишда таълим олиши учун ажратилган минимал (энг кам) вақт ўлчовидир. Кредитлар шунчаки рақамлар эмас. Ҳар бир кредит талаба бажариши керак бўлган маълум миқдордаги ўқув юкламасини ва талаба бунинг натижасида муайян ўқув натижаларига эришганлигини билдиради. Яъни кредит-модуль тизими таркиби икки зарурий элементдан иборат:

а) ўқув юкламалари;

б) ўқув натижалари.

Талаба шу элементларни бажаргандагина тегишли фан бўйича белгиланган миқдордаги кредитларни қўлга киритиши мумкин. Кредит — олий таълимнинг муайян босқичида таълим (бакалавр, ма-



гистр) даражасини қўлга киритиш мақсадида талаба томонидан мунтазам равишда тўплаб бориладиган рамзий ўлчов бирлиги. Бу бирлик талаба маълум миқдордаги ўқув юкламасини бажарганлиги ва муайян ўқиш натижаларини муваффақиятли тарзда эгаллаганлигини англатади. Талабага кредит маълум бир фандан белгиланган топшириқларни бажариб, якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтгандан сўнг берилади. Шунингдек, кўпгина олий таълим муассасаларида 1 кредит 30 соатга тенг деб қабул қилинган. Лекин бу мезон давлатлар ҳаттоки бир давлатдаги университетлар миқёсида турлича қабул қилинади. Халқаро тажрибага кўра, ўқув йили мобайнида талаба ҳар семестрда 30 кредитдан, бакалавр босқичининг жами 8 семестрида 240 кредит, магистратуранинг 4 семестрида эса 120 кредитни тўплаши керак бўлади.

Ғарб мамлакатларида талаба даража учун талаб этилган кредитларни узоқ вақт давомида тўплаши мумкин. Кредитларни тўплаш талабага ҳаёт давомида таълим олишга имкон беради. Жумладан, кредитлар қўшимча олий маълумот олиш учун ишлатиши мумкин. Кредитлар туфайли талаба ўқишда узоқ танаффуслар қила олади ва бунда илгари тўпланган кредитлар йўқолмайди. Талаба бирон сабабга кўра университетдан ҳайдалган тақдирда ҳам, у олган кредитлар кейинчалик университетда ўқишни давом эттиришда ишлатилиши мумкин, бу эса талабага иккинчи олий маълумот олишни сезиларли даражада осонлаштиради.

Модулга асосланган ўқув дастурлари махсус схема асосида ишлаб чиқилади ва қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- ✓ Ўқув мақсади ва вазифаларининг тўлиқ очиб берилиши;
- ✓ Талабанинг фанни ўзлаштиришни бошлаши ва жараённи тамомлашидан кейин эгаллаши лозим бўладиган малакасига қўйиладиган талаблар;
- ✓ Модуль таркибига кирган ҳар бир фаннинг қисқача мазмуни (силлабус), яъни маърузалар мазмуни, семинар ва амалий машғулотлар режаси, мустақил таълимни баҳолаш учун мўлжалланган топшириқлар;
- ✓ Ўқув жараёнини ташкиллаштиришнинг қисқача баёни: таълим беришнинг усул ҳамда воситалари; билимларни баҳолашнинг усул ва шаклларидан иборат.

Кредит тизимлари

Бугунги кунда кредит ўлчови тизимини амалиётга татбиқ этиш бўйича тўртта модель кенг тарқалган.

- Булар Америка Қўшма Штатларининг кредит тизими (USCS);
- Европа мамлакатларининг кредит тизими (ECTS);
- Осиё-Тинч океани мамлакатларининг кредит тизими (UCTS);
- Буюк Британиянинг кредит тизими (CATS).

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ (USCS)

АҚШда қабул қилинган USCS (US Credit system) тизимида кредит — бу таълим олиш вақтига асосланган ўлчов бирлигидир. Одатда АҚШда талабалар семестр давомида 4-5 тадан кўп бўлмаган фанларни ўрганадилар, шунинг учун курснинг нормал юкламаси тахминан 15 кредит соатни ташкил қилади. Бакалавр даражасини олиш учун камида 4 йилда 120 кредит, магистр даражасини олиш учун 1-2 йилда 30-60 кредит, докторлик дастурлари бўйича таълим олишда 3-4 йилда 60-90 кредит йиғиш белгиланган. Олий таълим тизимида кредит соати турли шаклларда қўлланади, у давлат томонидан тақдим этилган молиялаштириш сметасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Кафедралар, ўқитувчилар ва талабаларнинг юкламалари кредит соати билан белгиланади. Талабанинг кейинги курсга ўтиши, шунингдек ўқиш учун тўлов тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш кредит соатлари асосида амалга оширилади.

Америка университетларида кредит соатларини қўллаш. Пенсилвания давлат университетида талаба ўртача битта кредит олиш учун камида 40 соат вақт ажратиши лозим. Шу билан бирга, вақт тақсимоти курсдан курсга ўтганда фарқ қилади: ўртача вақтнинг 1/3 қисми аудитория дарсларига (масалан, маърузалар, лаборатория ишлари, семинарлар ва бошқалар) ҳамда мустақил таълимга вақтининг 2/3 қисми берилади. Кредитлар, аудиторияда ишлаш, семинар ёки лаборатория ишлари, курс номини кузатиб борадиган учта рақам билан акс эттирилади. Масалан (3: 3: 0):

– биринчи рақам берилган курс учун максимал кредитларни кўрсатади;

– иккинчи рақам дарс вақтини кўрсатади (маърузалар, мунозаралар, намойишлар ва бошқаларни ўз ичига олади);

– учинчи рақам амалий ишларга ажратилган вақтни кўрсатади (шу жумладан, лабораториялар, студия ишлари, лойиҳалар ва бошқалар).

Жанубий Дакота кон-технология университетида (South Dakota School of Mines and Technology) кредит соат — бу бир семестрнинг бир ҳафтасида 3 соатлик аудитория ва дарсдан ташқари машғулотларни ўз ичига олади. Бир соатлик кредит — бу маъруза дарси ва маъруза дарсига тайёрланиш учун 2 соат ажратилади. Бир кредит — ҳафтада бир соатлик лаборатория иши +2 соатлик аудитория +1 соатлик дарсдан ташқари иш.

Йиғилган кредитлар асосида қабул комиссияси талабаларни янги, иккинчи, ўрта, катта курсларга ажратади.

0-31 кредит янги талаба;

32-63 кредит иккинчи курс талабаси;

64-95 кредит ўрта курс талабаси;

96 дан ортиқ кредитлар катта курс талабаси;

Кундузги таълимда талаба 12 кредит учун фанларни танлайди, ёзги семестр учун — йиғиндиси 6 кредитга тенг курсларни ўзлаштириш мумкин.

Кредит тизимига асосланган ўқув режасини тузиш тамойили жуда оддий. У икки қисмдан иборат: умумий ва касбий. Касбий қисмда фанлар рўйхати билан бир қаторда ҳафтада маъруза ва амалий машғулотлар соатлари, шунингдек кредит соатларининг тегишли сони кўрсатилади.

Америка университетлари ва коллежларида баҳолаш тизимлари. Ушбу тизим талабанинг баҳоларини сақлаш, тиклаш ва олиш каби ҳаракатларни ўз ичига олади. Буларнинг барчасидан ташқари, баҳолаш объектив ва адолатли бўлиши керак. Ўқитувчилар, таълим ходимлари, профессорлар орасида талабаларнинг билимларини баҳолаш масалалари бўйича кўпинча тортишувлар мавжуд.

Америка университетлари ва коллежларида камида 10 турдаги баҳолаш тизимлари қўлланилади. Улардан талабаларнинг билимларини рақамли ва ҳарфли баҳолаш энг кўп қўлланилади.

Рақамли баҳолаш. 1 дан 100 баллгача бўлган балларни қўллаш амалиёти. Ушбу усулдан фойдаланиш осон, вақт талаб қилмайди, аммо субъектив томонларга эга.

Ҳарфли баҳолаш. Анъанавий ҳарфли баҳолашда A, B, C, D, F алифбо ҳарфлари ҳамда + ва — белгиларидан фойдаланилади.

Баҳолашнинг бошқа турлари. Ушбу турдаги баҳолаш ҳарф ва рақамли баҳолаш бирлаштирилганда, шунингдек талабаларнинг ўзлари томонидан баҳоланганда ёки барча талабалар бир хил баҳоланганда қўлланилади.

БУЮК БРИТАНИЯНИНГ КРЕДИТ ТИЗИМИ (CATS)

Буюк Британияда таълим тизими Бирлашган Қиролликнинг CATS (Credit Accumulation and Transfer Scheme/System) — кредит йиғиш ва алмашиш схемаси/тизими) кредит-модуль тизимига асосланган бўлиб, унинг мақсади кўплаб малака сертификатлари тизимининг ҳар бир турига муайян миқдордаги кредитларни белгилаш орқали уларни тартибга солиш ва бирлаштиришдан иборат. Ушбу кредитларни йиғиш ва узатиш тизими Буюк Британия, Жанубий Африка ва Янги Зеландияда кенг тарқалган. CATSда академик йил 1200 шартли ўқув соати = 120 кредитга, 1 кредит эса 10 ўқув соатига тенг.

Таълимнинг шартли соати сифатида ўқувчининг таълим натижаларига эришиш учун ўртача сарфлаши керак бўлган соатлар миқдори тушунилади. Мазкур шартли вақт аудитория машғулотларини, асосий амалий, лойиҳалар устидаги ишларни, мустақил таълимни, имтиҳонларга тайёрланиш ва топширишни, яъни белгиланган даражадаги натижаларга эришиш билан боғлиқ барчасини ўз ичига олади. Британия университетида бакалавр даражасини олиш учун 3 йил таълим олиш ҳамда 360 инглиз кредитларини йиғиш талаб этилади. Тўртинчи йил талабаларга “имтиёзли бакалавр” даражасини олиш имкониятини беради. Барча университетларда тиббиёт, стоматология ва архитектура факультетларида ўқиш 7 йилгача давом этади.



CATS тизими Бирлашган Қиролликда, Жанубий Африкада ва Янги Зеландияда кенг тарқалган.

Шотландияда кредит тизими — SCQF (Scottish credit and Qualifications Framework) Шотландия малака рамкаси деб номланиб, унга кўра бир кредит 10 соатга тенг. SCQF кредити бўйича талабага бир ўқув йилида 120 SCQF тўплаши талаб қилинади. 120 SCQF=60 ECTS кредитига тенг. Кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар 1 семестрда 45-60 кредитни (3-4та модулни) ўқиб, тамомлашлари мумкин. Кечки таълим шакли талабалари эса 1 семестрда кўпи билан 30 кредитни ёпиш имкониятига эга бўладилар. Хериот Ватт (Heriot Watt) университетида стандарт модуль — 15 кредитлик модуль ҳисобланади. Талаба 1 та модулни тамомлаши учун 150 соатга тенг юкламани бажаради. Юқорида таъкидланганидек, 1 ўқув йили учун кредит миқдори 120га тенг. Демак, талаба йилига 8 та стандарт (15 кредитлик) модулни ўзлаштиради. SCQF малакаларни мураккаблик даражаси ҳамда давомийлик муддатига асосланиб фарқлаш имконини беради. Унга биноан 12 даража мавжуд.

Бунда 7-10-даражалар бакалавр босқичинг 1-4-курсларига тўғри келади. 11-даража магистрликни англатади. Бу даражаларнинг ўзига хослиги шундаки талаба магистрлик сертификатини олиш учун 60; магистрлик дипломини олиш учун 120 ва ниҳоят магистрлик даражасига эга бўлиш учун 180 SCQF кредитини тўплаши зарур. Даражага эришишда 60 кредит бирлиги лойиҳа ёки диссертация учун ажратилади.

ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ КРЕДИТ ТИЗИМИ (UCTS)

Европа, Америка ва Британия синов бирликлари тизими билан бир қаторда Осиё-Тинч океани минтақаси учун университет кредитларини узатиш тизими UCTS (University Credit Transfer System) ҳам мавжуд бўлиб, унга бу минтақанинг айрим йирик давлатлари, хусусан Япония ва Хитой қўшилмаган. Ушбу лойиҳанинг қўлланувчи схемаси 5 йилга мўлжалланган бўлиб, UMAP (University Mobility in Asia and the Pacific-Осиё-Тинч океани минтақасидаги университет мобиллиги) фаолиятига ёрдам бериш мақсадида UMAP фаолияти доирасига кирувчи ҳудудларда, шунингдек, дунёнинг бошқа

минтақаларидаги хорижий олий таълим муассасаларида таълим олиш мақсадида тўпланган кредитларни кафолатли тан олиш орқали талабалар алмашинувини янада самарали амалга оширилишини йўлга қўйишга қаратилган. Шунингдек, UMAP университетларни рағбатлантиради ва талабалар алмашинувини амалга ошириш шартлари батафсил баён этилган икки томонлама келишувлар имзолашда уларга ёрдам беради.

UCTS кредит ўлчов бирлигида худди ECTSга ўхшаб бир академик йил 60 кредитга тўғри келади. UCTS кредит ўлчов бирлиги фақат конвертация ўлчови сифатида ишлатилади, у қабул қилувчи ва юборувчи олий таълим муассасаларида мавжуд кредит тизимларини ўзгартириш сифатида ишлатишга мўлжалланмаган. UCTS бир академик йил учун 60 кредит ва ECTS моделига асосланган бўлсада, бу тизим ECTS моделининг анча соддалаштирилган кўринишидир. UCTS фақат институтлар ўртасида талабаларнинг ўқув юкламасини ва баҳосини ўтказиш учун мўлжалланган бўлиб, у ҳар қандай олий таълим муассасаларида мавжуд бўлган тизимларни ўзгартиришни назарда тутмайди. UCTSда факультет вакили фақат UCTSдан фойдаланиш бўйича умумий тавсиялар амалга оширади ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик воситаси ҳисобланади. Талаба ўзига ўзи чет элда ўқиш учун дастур тайёрлайди. Бундай дастур тайёрланганда, юборувчи ва қабул қилувчи институтлар муайян дастур асосида фанни ўзлаштирганлик учун талабага бериладиган кредитларга нисбатан ўзларининг розиликларини билдирадилар.

UCTS рейтинг шкаласи ECTS рейтинг шкаласига ўхшайди. Баҳолаш шкаласининг мақсади фақат қабул қилувчи ва жўнатувчи институтларнинг баҳоларини ўзгартиришга ёрдам берадиган механизмдир. UCTSда билим қуйидагича баҳоланади:

– A дан F гача бўлган еттита баҳо, бу эрда A энг юқори балл ва F талабанинг йиқилганини англатади, яъни муваффақиятсизлик (F X) — қайта топшириш ҳуқуқи йўқ),

– баҳоларнинг нормал тақсимланиши (фанни ўзлаштираётганда ушбу баҳони олган талабаларнинг белгиланган фоизи) — университетнинг илтимосига биноан,

– “аъло”дан “муваффақиятсизлик”гача бўлган ҳар бир баҳонинг қийматини аниқлаш.

Қуйидаги жадвалда UCTSнинг турли миллий ва минтақавий кредит тизимлари билан тавсия этилган конвертацияси кўрсатилган:

Мамлакат/ минтақа	(UCTS)	Осиё	(USCS)	(ECTS)	(CATS)
Кредит конверта-цияси	1 UCTS	1 кредит	1 кредит	1.5 ECTS	3 кредит
Талаба юкламаси	38-48 соат	38-48 соат	45 соат	37.5-45 соат	ECTSдан ўз-гартирилди
Ўқитиш соатлари	13-16 соат	13-16 соат	15 соат	_____	_____

ЕВРОПАДА КРЕДИТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ (ECTS)

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида Европада олий ўқув юртларининг халқаро таълим дастурларидаги иштироки муҳим масалага айланиб, олий таълим ўқув дастурларини умумийлаштириш тараққиётнинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолди. 1987 йилда Европа Иттифоқи асос солган талабалар алмашувининг ЭРАСМУС (ERASMUS-European Community Action Scheme for Mobility of University Students) таълим дастури энг намунали деб топилиб асос сифатида қабул қилинди ва Европанинг 12 та давлатида жорий этилди. ECTS (European Credit Transfer System) тизими ЭРАСМУС дастурининг тажриба лойиҳаси сифатида юзага келди.

1999 йилнинг июнида 29 та Европа давлатларининг таълим вазирлари томонидан Болонья декларацияси имзоланди, унда асосий эътибор ECTS ва умумевропа диплом иловасига қаратилди. Бунда



ECTSнинг вазифаси этиб 2010 йилда ягоналаштирилган олий таълим тизимини яратиш эмас, балки халқаро шаффофликка эришиш, мавжуд таълим тизимлари ҳамда малакаларини давлатлар ва олий ўқув юртларининг таълим сиёсати соҳасидаги мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда мослаштириш белгиланди. Ҳозирги кунгача деярли барча Европа давлатларининг миллий олий таълим тизимларида ислоҳотлар ўтказилиниб, кредит таълим тизими жорий қилинди. Бироқ, улар миллий ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимига қаратилганлиги сабабли жиддий фарқ қилади. Чунки, ҳар бир давлат ўзининг ноёб таълим тизими, миллий, тарихий ва маданий анъаналарини сақлаб қолишга ҳаракат қилган.

ECTS тизими бўйича олий таълим муассасалари ҳар бир модуль бўйича кредитлар сонини, ҳар бир курс ва умуман, ўқиш даврини тамомлаш учун талаба томонидан тўпланиши лозим бўлган кредитларнинг умумий миқдорини мустақил белгилайди.

ECTS тизими бўйича талабаларнинг бир йилда тўплаши лозим бўлган кредит миқдори 60 га тенг. Бир ўқув йили икки семестрдан иборат бўлади деб олсак, талаба ҳар семестрда 30 кредит тўплаб бориши лозим. Бакалавриат дастури 3-4 йиллик бўлса, талаба бакалавр даражасини қўлга киритиши учун жами 180-240 кредит, 1-2 йиллик магистратура дастурини тугаллаши учун эса, 60-120 кредит тўплаши зарур.

ECTS кредитлари — мақсад қилинган натижаларга талабанинг эришиши учун талаб этиладиган "юклама" га асосланган.

ECTSнинг ўзига хос жиҳати бу — 1 академик ўқув йили учун 60 кредитни, 1 семестр учун 30 кредитни ва 1 семестр учун эса 20 кредитнинг ажратилишида. 3 йил талаб этиладиган малакалар учун 180 ECTS кредити ажратилади.

Таълим даражаларини (бакалавриат, магистратура, докторантура) бошқача номлаш, уларни тизимлаштириш орқали амалга оширилади ва улар ушбу даражаларни умумий "3 levels" ёки "3 cycles" деб номлашади. Шунда янада тушунарли қилиб айтадиган бўлсак, 1-цикл — бакалавриат, 2-цикл — магистрлик, 3-цикл — докторантурага мос келади. Европа таълимининг яна бир муҳим жиҳати бакалавриат+-магистратура = 5 йил формуласига асосланишидир. Агар, бакалавр 3 йил бўлса, магистратура албатта 2 йил бўлиши керак. Бакалавриат таълим босқичи 4 йил давом этган тақдирда магистратура босқичи учун 1 йил сарфланади.

Бакалавриат 3 йил + Магистратура 2 йил = 5 йил
Бакалавриат 4 йил + Магистратура 1 йил = 5 йил

Ҳар бир талаба университетдаги тўлиқ ўқув йили давомида жами 60 ECTS кредитни ўзлаштириши лозим. Бу 1500-1800 ўқув соатига тенг. Шунда 1 ECTS кредит 25-30 соат оралиғида бўлган юклама миқдорини ташкил этади. Турли мамлакатларнинг ўқув соатлари миқдори бир-биридан фарқланиб туради.

Масалан:

- Буюк Британияда 60 ECTS = 1200 ўқув соати, 1 ECTS = 20 ўқув соати;
- Австрия, Италияда 60 ECTS = 1500 ўқув соати, 1 ECTS = 25 ўқув соати;
- Финляндия, Литвада 60 ECTS = 1600 ўқув соати, 1 ECTS = 27 ўқув соати;
- Голландия, Португалияда 60 ECTS = 1680 ўқув соати, 1 ECTS = 28 ўқув соати;
- Германияда 60 ECTS = 1800 ўқув соати, 1 ECTS = 30 ўқув соатини ташкил этади.

ECTSнинг бирламчи мақсади чет элдаги таълимни аккредитация этиш жараёнини соддалаштириш ҳисобланган. Европада олий таълим муассасалари фан дастурларини тузишда турли ўқув машғулотларини бирлаштиради. Аммо лойиҳа устида ишлаш, мустақил таълим ва амалиёт соатлари тақсимотида ажратилган вақтларда катта фарқ мавжуд. Барча дарс турлари талабанинг билим ва компетенциясини ривожлантиришга қаратилган бўлса ва бир хил самарадорлик-



ни берса ҳам, уларнинг баъзиларида контакт вақтлари бошқаларига қараганда кўпроқ.

Юқорида қайд этилган мамлакатларнинг кредит тизимлари АҚШ кредитлари (USCS), Европа (ECTS) ва Осиё-Тинч океани кредитларига (UCTS) қуйидаги нисбатда осонгина кўчирилади.

1 Америка кредит соати =1 Хитой кредити =1 Япон синов бирлиги = 2 Европа кредити =2 Осиё-Тинч океани кредити = 4 Британия кредити.

Қуйида мамлакатимиз ва хорижий давлатлар кредит тизимининг қиёсий жадвали келтириб ўтилган:

№	Кредит тизимлари	Бакалавриат		Магистратура		Докторантура	
		Таълим йили	Кредит соати	Таълим йили	Кредит соати	Таълим йили	Кредит соати
1	АҚШ (USCS)	4	120	1-2	30-60	3-4	60-90
2	Буюк Британия (CATS)	3-4	360	1-2	120	3	Индивидуал
3	Германия (ECTS)	3-4-5	180-240	1-2	120	3	Йўқ
4	Хитой(UCTS)	4	120	1-2	30-60	3-4	60-90
5	Ўзбекистон (ECTS)	4	240	1-2	60-120	3	Йўқ

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАР ИМТИЁЗЛАРИ ВА ПЕДАГОГЛАР ФАОЛИЯТИ

Кредит-модуль тизими бизга нима беради? Таълимда шаффофлик, прагматизм ва талабага йўналтирилган таълимни ташкил этиш имкониятини яратади. Ўқув жараёнига кредит-модуль тизимининг жорий этилиши таълим сифатини оширишда ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади. Қуйида кредит-модуль тизимининг ўзига хос афзалликларини кўриб чиқамиз.

1. Академик мобиллик — талабалар кредитларини сақлаган ҳолда, исталган мос олийгоҳга ўқишни қийинчиликсиз кўчириб ўтишлари мумкин бўлади. У хоҳ, жаҳон университети, хоҳ, ўзимиздаги исталган ОТМ бўлишининг аҳамияти йўқ. Фақат, талаба тўплаган кредити кўчириб ўтиш кредитига етса бўлгани.

2. Талабаларга ўқитувчини танлаш эркинлиги берилади. Бу орқали, ўқитувчи ва талаба ўртасида академик мулоқот таъминланади.

3. Талабалар ўз истакларидан келиб чиққан ҳолда, фанларни танлаш имкониятига эга бўлади. Албатта, бу ўринда мажбурий ўрганилиши лозим бўлган (мутахассис) фанлар ҳам бор, аммо талаба мустақил танлов фанларини белгилай олади.

4. Талабаларга таълим дастурини мустақил шакллантириш имкониятини яратиш ва қўйиладиган баҳоларнинг ошкоралигини таъминлаш йўлга қўйилади. Бу эса, ўз-ўзидан таълим тизимидаги коррупцияни барҳам топишини таъминлайди.

5. Бу тизимда танлов фанларининг кўплиги иш берувчи талабидан келиб чиқиб мутахассис тайёрлаш имкониятини беради.

6. Кредит тизимида мажбурий фанлардан ташқари танлов фанлари ҳамда талабанинг шахсий дарс жадвали бўлади. Талабалар ўқишдан ҳайдалмайди ёки курсдан курсга қолмайди. Қайси фандан белгиланган кредитларни йиғолмаса, ўша фаннинг ўзи қайта ўзлаштирилади ва фандан қайта имтиҳон бўлади. Қайта ўқиш — бу биринчи дарсдан то охирги дарсгача ўтилган маъруза, лаборатория ва амалий машғулотларни ўз ичига олади. Қайта ўқишнинг кредит суммаси контракт суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади. Олий маълумот олинганлиги тўғрисидаги диплом эса, белгиланган кредитлар йиғилгандан сўнггина берилади. Семестр якунида талабалар баҳосининг 50 фоизини фан ўқитувчиси, 50 фоизини муассаса раҳбарияти қўяди. Яъни бир семестр давомида оралиқ назорат, уйга вазифалар ва амалий машғулот (лаборатория) ишларини профессор-ўқитувчилар баҳолайди. Якуний назорат муассаса раҳбарияти томонидан олинади. Унда ўқитувчи-профессор иштирок этмайди.

Мутахассислар фикрича, кредитларни йиғиш учун талабалардан дарсларда қатнашиш, берилган вазифаларни вақтида бажариш, ўз билим савиясини намоён этиш талаб этилади.

Кредит таълим тизимида ўқитувчи (педагог) ўзининг вазифасига кўра таълим жараёнининг қуйидаги субъектлари сифатида фаолият олиб бориши мумкин:

- лектор;
- тютор;
- эдвайзер.

Лектор, тютор, эдвайзер вазифалари

Лектор сифатида профессор-ўқитувчилар сафидан малакали ўқитувчилар тайинланади. Улар маъруза дарсларини юқори илмий-услубий даражада олиб боришади. Маърузалар академик потокларга, яъни мутахассислиги яқин бўлган бир нечта гуруҳларга ўқилади. Аудиториядаги талабалар сони лекторнинг малакасидан ва аудиториянинг техник имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади.

Тютор — фан бўйича амалий машғулотларни олиб борувчи ва маслаҳат берувчи, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилувчи ва бажарилишини таъминловчи, фан бўйича билимларни тизимга келтирувчи, семестр ва курс ишларига раҳбарлик қилувчи ҳамда ўқув амалиётларини ташкил қилувчи ўқитувчи.

Тюторлар қуйидаги сифатларга эга бўлишлари лозим:

✓ ўқитувчилик: амалий машғулотларни талаб даражасида олиб бориш, талабаларга касбий ўзини англашда ёрдам бериш, фаннинг ўқув-услубий материалларидан тўғри ва самарали фойдаланишларини таъминлаш;

✓ маслаҳатчилик: талабаларнинг билиш жараёнларини мувофиқлаштириш, гуруҳли маслаҳат ва мулоқот дарсларини олиб бориш, фаннинг турли масалалари бўйича талабаларга якка тартибда маслаҳатлар бериш;

✓ менежерлик: талабалар гуруҳларини йиғиш ва шакллантириш, гуруҳли машғулотларни бошқариш, талабаларнинг фанни ўзлаштиришини назорат қилиш.



Тюторнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

✓ талабанинг ўқиши максимал даражада самарали бўлишига ёрдам бериш;

✓ талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилиш;

✓ бажарилган топшириқлар бўйича талаба билан алоқани таъминлаш;

✓ гуруҳли ва якка тартибда маслаҳатлар бериш;

✓ бутун ўқиш даврида ўқишга бўлган қизиқишини таъминлаш.

Шахсий ўқув траекториясини танлаш ва амалга ошириш, шунингдек ўқув режаларининг мобиллиги ва мослашувчанлигини таъминлаш учун кредит таълим тизими шароитида олий ўқув юртларида маслаҳат хизматини кўрсатувчи ходимлар, яъни эдвайзерлар — академик маслаҳатчилар хизмати ташкил қилинади. Уларнинг сони факультетдаги талабаларнинг сонидан келиб чиқиб аниқланади.

Эдвайзерлар талабаларнинг академик манфаатларини ҳимоя қилиши, ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича барча зарур ахборот материалларини тайёрлашда иштирок этиши, уларни талабаларга электрон шаклда тақдим этиши ва уларнинг шахсий ўқув режаларини тузиш ва тузатиш киритишда ёрдам бериши, услубий материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши ва мавжудлигини, йўналишнинг барча фанлари бўйича оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш қоидаларининг бажарилишини назорат қилиши зарур.

Эдвайзер — ўқиш даври бўйича шахсий ўқув траекториясини танлаш ва таълим дастурини ўзлаштиришга ёрдам берувчи ўқитувчи ҳисобланади. Бундан ташқари, эдвайзер талабага келгусидаги карьерасига оид масалаларни ечишда, битирув иши мавзусини танлашда, касбий амалиёт базаларини аниқлашда маслаҳат ёрдамини кўрсатади.



Эдвайзернинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

✓ талабаларга шахсий ўқув траекторияларини аниқлаш ва таълим дастурини ўзлаштиришда ёрдам кўрсатиш;

✓ ўқув траекториясини танлашда талабаларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари ва истакларини аниқлаш;

✓ талабаларга фанларни танлашда маслаҳатлар бериш;

✓ талабаларга шахсий ўқув режаларини тузиш ва зарур бўлса тузатишга ёрдам бериш;

✓ талабаларнинг ўзлаштириши ва академик масалалари бўйича эксперт комиссиялари ишида иштирок этиш.

Эдвайзерлар кафедра мудирлари билан келишилган ҳолда, олий ўқув юрти ректори буйруғи билан тайинланади. Эдвайзер талабаларни олий ўқув юртининг ўзига хос жиҳатлари, ишчи ўқув режаси мазмуни, диплом олиш учун қўйиладиган талаблар, танланган йўналишнинг имкониятлари билан таништиради ҳамда талабаларнинг мойиллиги, имкониятлари, қизиқишлари ва мақсадларига мувофиқ шахсий ўқув траекторияларини танлашда ёрдамчи ҳисобланади.

Эдвайзер қайд қилиш тадбирларида иштирок этади. Ҳар бир эдвайзерга маълум миқдорда талабалар бириктирилади. Талабалар бириктирилгандан сўнг эдвайзер улар билан шахсий режимда ишлашга ўтади.

Эдвайзер ташкилий-услубий ишларда иштирок этади ҳамда фанларни танлаш ва уларга ёзилиш бўйича маслаҳатлар беради, йўналишнинг танлов фанлари каталоглари ва ишчи ўқув дастурлари билан таништиради.

Ўқув йили давомида эдвайзер факультет декани томонидан тасдиқланадиган маслаҳат жадвалларига мувофиқ ишлайди. Талабаларнинг шошилинч академик муаммоларини ҳал қилиш мақсадида эдвайзер иш жадвалидан ташқари шахсий учрашувларни ҳам белгилаши мумкин.

Эдвайзернинг маслаҳатчилик фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

✓ талабаларни таълим жараёнининг қоидалари билан таништириш;

✓ талабаларнинг қарашлари, қадриятлари, уларнинг мойиллиги ва имкониятларини аниқлаш;

✓ намунавий ўқув режа ва танлов фанлари каталоги билан таништириш;



✓ кредитлар миқдори ва уларни ўзлаштириш бўйича тушунтиришлар олиб бориш.

Кредит-модуль тизимида хорижда кенг тарқалган **супервайзерлик, модераторлик, фасилитаторлик** каби фаолият турлари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Фасилитатор — (инглиз тилида facilitator, лотинча facilis-енгил, қулай) гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

Модератор — қабул қилинган қоидаларга амал қилинишини текширади, тингловчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотларни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Супервайзер — қуйидаги тўрт вазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.

Бизнинг таълимда ушбу фаолиятларнинг ҳаммаси профессор-ўқитувчилар томонидан бажарилади. Ўқитувчилик фаолиятини бундай турларга ажратиш бу фаолият турининг самарасини янада оширади.

ЮРТИМИЗДАГИ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”да миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига, Болонья жараёни иштирокчи-мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олишга, ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999 йил 19 июндаги Болонья декларациясига қўшилиш масаласини кўриб чиқиш белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, коррупсияга қарши курашиш, муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улушини ошириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Юқорида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимида таълим сифатини ошириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида талабаларнинг академик мобиллигини ривожлантириш мақсадида Республика олий таълим муассасалари таълим тизимига кредит-модуль тизимини татбиқ этилиши дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 569-сон қарорига асосан Республика олий таълим муассасаларидан Тошкент ахборот технологиялари университетида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишнинг кредит тизими жорий этилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 30 июндаги 357-сон буйруғига мувофиқ 2020/2021 ўқув йилида республика олий таълим муассасаларининг 35 тасида ўқув жараёни кредит-модуль тизимида ташкил этилган

бўлса, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 16 июлдаги 311-сонли буйруғи асосида 2021/2022 ўқув йилидан республикадаги барча давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида ўқув жараёни кредит-модуль тизими асосида ташкил этилди.

Республикамиз олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS) асосида таълимнинг кредит-модуль тизими жорий этилган. Ўқув йили давомийлиги 36 ҳафтагача бўлиб, шундан 30 ҳафтаси академик даврга, 2 ҳафтаси фанларни танлаш учун рўйхатдан ўтишга, 4 ҳафтаси аттестацияларга ажратилган.

Юртимиз олий таълим муассасаларида 1 кредит 25-30 академик соатлик ўқув юкламасига тенг. Яъни талаба муайян фандан тегишли кредитларни тўплаши учун маълум миқдордаги ўқув юкламасини ўзлаштириши зарур. Ўқув юкламаси бакалавриатда — 40-50% аудитория соати, 50-60% мустақил иш соатига, магистратурада — 30%-40% аудитория соати, 60-70% мустақил иш соатига (малакавий амалиёт ва битирув малакавий ишлари бундан мустасно) бўлинган.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида талаба одатда бир семестрда 30 кредит, бир ўқув йилида 60 кредит тўплаши белгиланган. Семестр давомида талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган кредитлар ҳажми ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади. Талаба ўзининг шахсий таълим траекториясини шакллантиришда ҳар бир семестр учун 30 кредит ҳажмидаги фанларни ўзлаштириш шарт. Талаба бакалавриатда ўқиш муддати камида 3 йил бўлганда 180 кредит, ўқиш муддати камида 4 йил бўлганда 240 кредит тўплаши зарур. Магистратурада ўқиш муддати камида 1 йил бўлганда 60 кредит, ўқиш муддати камида 2 йил бўлганда 120 кредит тўплаши талаб этилади.

Республикамиз олий таълим тизимини Европа таълим майдонига интеграллашуви муносабати билан олий таълимнинг Давлат таълим стандартини такомиллаштирган ҳолда, қайта ишлаб чиқилишига зарурат пайдо бўлди. Европа олий таълим ташкилотлари томонидан очиқ бозорда тақдим этилган таълим дастурларидек, Республикамиз олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурларида ҳам турли туманликни таъминлаш учун ОТМларига таълим дастурларини (ўқув режа, фан дастурлари) янада мослашувчан, миллий ва жаҳон миқёсидаги талабларни қондирадиган қилиб тайёрлашларида мустақиллик бериш керак эди.



Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, 2021 йил бошлаб республикамизнинг барча олий таълим муассасаларига таълим йўналиши ва мутахассисликлари таълим дастурларини (ўқув режа, фан дастурлари) “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалари” асосида, иш берувчи ташкилот ҳамда корхоналар талабларини инобатга олган ҳолда, мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколати берилди. Юртимиз олий таълим ташкилотларида кредит-модуль тизимини такомиллаштириш бўйича олий таълимга масъул ташкилотлар томонидан турли ўрганиш ҳамда таҳлилий маълумотлар тайёрланиб, хориж тажрибаси тадқиқ қилиб борилмоқда. Доимий олиб бориладиган тадқиқотларни кўпайтириш, хорижий тажриба билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда улардаги илғор ютуқларни ўзимизга жорий қилиб бориш зарурати мавжуд. Шунинг учун ҳам, бу борада амалий ишлар олиб борилишини кенг қўллаб-қувватлаш керак ва бу орқали юртимиздаги олий таълим сифати ошишига эришилади.

ХУЛОСА

Бугунги глобал дунёда барча жараёнлар бир-бирга боғлиқ бўлганлиги боис глобаллашув жараёнини жамиятнинг барча соҳаларида кузатишимиз мумкин. Дунёдаги олий таълим тизими ҳам бундан мустасно эмас. Олий таълим ташкилотлари таълим жараёнини самарали ташкил этиш, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар учун қулай таълим тизимини яратиш ҳамда таълимдаги интеграцияни кенгайтириш мақсадида мавжуд тизимни яхшилашга ва такомиллаштиришга ҳаракат қилиб келишган. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда олий таълимга кредит-модуль тизими кириб келган. Бу тизим идеал тизим эмасдир, лекин олдинги мавжуд тизимларнинг энг мақбул, такомиллашган кўриниши десак муболаға бўлмайди.

Олий таълимга кириб келган кредит-модуль тизимининг қамраб оладиган жиҳатлари, ташкил этувчи компонентлари ҳамда афзалликлари ҳақида юқорида кўп мисоллар келтирилди. Ушбу тизим турли давлатларда ҳар хил талқин қилинишига ҳам келтирилган мисоллар орқали гувоҳ бўлдик. Кўпгина давлатлар томонидан қабул қилиниб бугунги кунда амалда бўлган кредит-модуль тизимининг универсал, барча учун бирдек бўлган мезонлари мавжуд эмас. Лекин, ушбу тизимни кенг жорий қилиш орқали тушуниш осон бўлган ва ўхшаш олий таълим тизими яратилмоқда ҳамда таълим сифатини таъминлашда эркин академик ҳаракатланиш жорий қилиняпти.

Юртимиз олий таълим ташкилотларининг ҳам кредит-модуль тизимига ўтишида таълимда мавжуд бўлган энг илғор ютуқлар билан ҳамнафас бўлиш, таълимни халқаро стандартлар талабига мослаштириш ҳамда бу орқали таълим сифатини таъминлаш мақсад қилинган. Таълим сифати таъминланган даргоҳдан рақобатбардош, замонавий билимларни эгаллаган етук кадрлар етишиб чиқади ва бу ҳолат жамият ривожига бевосита ижобий таъсир қилади. Юртимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишни мақсад қилган эканмиз, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар бизни ушбу мақсад сари етаклайди. Ушбу ижобий ўзгаришларни таълимдан бошлаш эса, энг асосий вазифа ҳисобланади. Шундай экан, таълимдаги халқаро тажрибани кенг тадқиқ қилган ҳолда, уни ривожлантириб боришни мунтазам амалга ошириб боришимиз зарур.

ГЛОССАРИЙ

Apprenticeship — шогирдлик қилиш. Таълим мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда, мажбурий ёки мажбурий бўлмаган ишлаб чиқариш корхонаси билан интеграллашган таълим.

ECTS Credits — эришилган таълимдаги натижа ва унга (натижага) мутаносиб равишда белгиланган юклама миқдорини ифода этади.

Credit accumulation — кредит йиғиш. Курс/курсларнинг давом этиш муддатига нисбатан кредитларни йиғиш жараёни. Ҳар бир ОТМ ҳар бир фан/йўналиш учун неча кредит ажратилишини белгилайди.

Credit accumulation and transfer system — бу шундай тизимки у таълим олувчиларга кредитни йиғиш орқали таълим бериш муассасалари ичида ва муассасаларараро ўқишни кўчиришни соддалаштиради.

Credit level — нисбий мураккаблик, талаб ва ўрганиш даражасини аниқловчи кўрсаткич.

Credit transfer — ОТМ томонидан берилган кредитни бошқа ОТМ томонидан таклиф этилаётган курс кредити талабларига мос келишини, уларда тан олиниши, миқдоран ҳисобланиши ва курс кредити талаби таркибига киритилишини таъминловчи механизм.

Credit value — кредит қиймати. Таълим олувчининг маълум бир даража/босқичидаги эгаллаши зарур бўлган кредит миқдори. Кредитлар сони курсни ўрганишга ажратилган соатлар билан белгиланади.

Академик кредит — талаба томонидан маълум бир даража дипломини олиш учун сарфланадиган вақт миқдори.

Модуль/бирлик — расман структуралаштирилган, мантиқий ва аниқ бўлган билим эгаллаш натижаси ва баҳолаш мезонига эга бўлган кредитли билим олиш тажрибаси.

Microcredentials — кредит ажратилган курслар ёки модуллар. Алоҳида ҳолда мутахассисликни англатувчи ёки бирон даражанинг компоненти сифатида кўрилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2023.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октабрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сонли Фармони.

5. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Тафаккур” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

6. Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар. Ўқув қўлланма. Нью Брансвик университети, 2020 й.

7. Распространение Болонского процесса: о декларации к внедрению на практике. В 3-х частях. Часть 2. Тенденции развития Болонского процесса, его инструменты и опыт внедрения / Р.Р. Агишев, И.В. Анисимова, Ш.М. Валитов, Д.А. Гопкало, В.Г. Крюков, А.Е. Пушкина, Л.А. Симонова, А.П. Снегуренко. Под ред. проф. Р.Р. Агишева. — Казан, КГТУ им. А.Н. Туполева, 2008. — 118 с.

8. The European Higher Education Area. — Joint Declaration of the Ministers of Education. — Болонья, 1999.

9. Shaping our Own Future in the European Higher Education Area // Convention of European Higher Education Institutions. Саламанса, 2001.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
Кредит-модуль тизимининг моҳияти 5
Модуль ва кредит тушунчаларининг моҳияти 8
Америка Қўшма Штатларининг кредит-модуль тизими (USCS) 11
Буюк Британиянинг кредит тизими (CATS) 13
Осиё-Тинч океани мамлакатларининг кредит тизими (UCTS) 14
Европада кредит таълим тизими (ECTS) 16
Кредит-модуль тизимида талабалар имтиёзлари ва педагоглар фаолияти 19
Юртимиздаги кредит-модуль тизими ҳақида 25
Хулоса 28
Глоссарий 29
Фойдаланилган адабиётлар 30

Услубий нашр

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ БЎЙИЧА
ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Методик қўлланма

Муҳаррир:
Ҳ. Закирова

Техник муҳаррир:
Ш. Бекназаров

Бадиий муҳаррир:
З. Шоимов

Мусаҳҳиҳа:
Д. Бекназарова

Дизайнер:
Ф. Қўзиев

Наш.лиц. Тасдиқнома: 050532, 27.11.2022 й.
Теришга 01.11.2023 йилда берилди. Босишга 04.12.2023 йилда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. “Pragmatica” гарнитураси.
Шартли б.т. 2.64. Нашр б.т. 2.0.
Адади 500 нусха. Буюртма № OV-08.
Баҳоси шартнома асосида.
“Yetakchi nashriyoti”, 100190, Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
e-mail: yetakchi_nash@mail.
“Mehr-nuri nashriyoti” УК босмахонасида чоп этилди.
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
Телефон: +99890 394-10-65

Кредит-модуль тизими

бўйича хориж тажрибаси

ISBN 978-9910-9632-0-9